



## АБДУРАУФ ФИТРАТ ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲОЗИРГИ ДАВР МАЪНАВИЙ ҲАЁТИ УЧУН АҲАМИЯТИ

### Аннотация:

Мазкур мақолада Бухоро жаҳидчилик мактабининг етук номоёниси Абдурауф Фитрат ижтимоий - сиёсий фаолиятининг Янги Ўзбекистон учун аҳамияти таҳлил этилиб, унда Фитрат фаолиятидаги илгари сурган тақдир ва мулоҳазаларнинг бугунги кун мисолларида баён этилган.

### Калим сўзлар:

жаҳидлар, ижтимоий - сиёсий, Янги Ўзбекистон, стратегия, таълим, ислохотлар, жамғармалар.

### Information about the authors

**Ризаев Нодир Собирович,**  
Бухоро давлат университети “Юридик ва ижтимоий-сиёсий  
фанлар” кафедраси ўқитувчиси

ХИХ асрнинг охири ва ХХ асрнинг бошларида Туркистон заминида билимсизлик, қашшоқлик ва бошқарувнинг ҳаддан зиёд консерватив эканлиги жаҳид маърифатчиларининг ижтимоий-сиёсий фаолиятларининг кучайтиришга олиб келди. Жаҳидларнинг фикрича, бу иллатлардан қутулиш учун халқни маърифатли қилиш зарур эди. Бу борада А.Фитрат фаолиятини алоҳида қайд этиш зарур. Фитратнинг ижтимоий – сиёсий фаолиятининг аҳамияти шундаки, у баён қилган турли долзарб масалалар ҳозирги кундаги кўшгина соҳаларда ўз аксини топмоқда. Демак, Фитрат қарашларида замонавийлик ҳамда глобаллашув шароитларига мослашиш, эскича қарашлардан воз кечиш, янги билимларни эгаллаш, бошқарувни тўғри ташкил этиш кабиларни кўриб ўтишимиз мумкин.

Зеро, президентимиз Ш.Мирзиёев ёш авлод тарбияси ҳақида гапирар экан Фитратнинг ушбу мулоҳазаларини баён қилиб ўтдилар. “Ёш авлод тарбияси ҳақида гапирганда, Абдурауф Фитрат бобомизнинг мана бу фикрларига ҳар биримиз, айниқса, энди ҳаётга кириб келаётган о‘ғил-қизларимиз амал қилишларини мен жуда-жуда истардим.

Мана, улуг‘ аждодимиз нима деб ёзганлар:

“Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, бахтсизлик юкини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва кул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ”[1]

Бугунги Янги Ўзбекистон жамиятининг асосий устувор йўналиши сифатида илм фанни ривожлантириш, замонавий билимларни эгаллаш ва ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш кабилар кўрилатган бир шароитда Фитрат илгари сурган ғоя ва фикрлар аҳамияти муҳим эканлигини кўрсатмоқда. Жумладан Фитратнинг “Оила “ асарида оилада фарзанд тарбиясини камол топдириш бўйича қуйидагиларни таъкидлайди:

- 1) Ота оналар томонидан фарзандларининг ҳам жисмонан ва ақлан ривожланишига имкон яратиш;



- 2) Оилада фарзанд тарбиясида унинг камчиликларини баён қилмаслик ;
- 3) Ота оналар ўз фарзандларига ибратли кишилар ҳақида кўпроқ гапириб бериши керак;
- 4) фарзандларга ўз ижод эркиликларини яратиб бериш;[2]

Фитрат “Рахбари нажот” асарида ёш авлод тарбияси тугрисида шундай ёзган: “Дунё курашнинг умумий майдонига ухшайди ва бу майдоннинг бузрук пахлавонлари инсонлардир. Бу курашда голиб чиқиш учун уч хил курулга эга бўлиш керак: биринчиси - “Саломатлик”, иккинчиси - “Соғлом фикр”, учинчиси - “Ахлоки сано” (олий ахлокийлик). Болаларни баркамол қилиб вояга етказиш учун унинг тарбиясига фақат оилагина жавобгар бўлмасдан, бутун миллат ахли жавобгардирлар” [2:21].

Абдурауф Фитрат қарашларининг ҳозирги кун учун яна бир муҳим жиҳати шундаки дабдабали тўйлар, турли диний маросимларни ҳаддан зиёд исрофгарчиликда ўтказилиши туфайли халқ ҳеч қачон манфаат кўрмаслигини баён қилиши айни даврда мамлакатимиз сиёсатида устувор вазифа сифатида қаралаётганини кўришимиз мумкин. Чунки халқимиз бу каби иллатлардан воз кечмас экан ўз олдимизга қўйган улкан мақсадларга эриша олмаймиз. Бу борада Ўзбекистон республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси кенгашининг ва Ўзбекистон республикаси Олий Мажлиси Сенати кенгашининг “*Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида*” [3] қўшма қарори қабул қилинган.

Бинобарин, Фитрат ўз қарашларида мавжуд консерватизмдан воз кечиш, замонавий билимларни эгаллаш билан бир қаторда зиёлилар ролини ошириш, ва буни ижтимоий тараққиётга эришишнинг ўзига хос йўли сифати қарашни кўп бора таъкидлайди. Бу эса ўз навбатида Янги Ўзбекистон Стратегиясининг муҳим шарт сифатида қаралган ижтимоий соҳа вакиллари айниқса ўқитувчилар шаъни, кадр қимматига берилаётган эътибор билан ҳамоханлиги муҳимдир. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида бу борада конституциявий қонуннинг қабул қилиниши таҳсинга сазовордир[4]

Шундай қилиб Фитрат ижтимоий сиёсий фаолиятининг ҳозирги давр учун аҳамиятини қуйидагилар асосида кўриб ўтишимиз мумкин

*Биринчидан.* Илм фан доирасидаги замонавий билимларни эгаллаш ҳамда аҳолининг саводхонлик даражасини ошириш

*Иккинчидан.* Фитрат амирликдаги тиббиёт тизими танқид қилади ва ўз навбатида замонавий тиббий билимларни эгаллаш кераклигини таъкидлайди.

*Учинчидан.* Оиладаги муҳит, фарзанд тарбияси тўғри тартибга солиш ўз навбатида жамият фаровонлиги учун муҳим омил.

*Тўртинчидан.* Давлат ижтимоий соҳани тартибга солиши ҳамда зиёли қатламни қўллаб қувватлаши зарур

Бешинчидан. Давлат турли соҳа вакилларига имтиёзлар яратиши керак, солиқ ислоҳотларини ўтказиши ҳамда халқаро алоқаларни мустаҳкам ўрнатиши зарур

Юқоридагиларни таҳлил қилган ҳолда шундай хулосага келиш мумкинки Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар бевосита Фитрат ва жадидлар ижтимоий – сиёсий ҳаракатларини билан бевосита боғлиқлигини инобатга олсак тўғри йўналиш ёки стратегия танланганига гувоҳ бўламиз



**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш.М Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси
2. Фитрат “Оила”. Т., «Маънавият», 1998. 65-б
3. Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қўшма қарори, 14.09.2019 йилдаги 2736-ИИИ-сон
4. Қаранг.Ўзбекистон Республикаси Янги таҳрирдаги Конституцияси.52- модда